

“Ўзнефтгазинспекция” ҳудудий бўлимлари томонидан янгидан қурилган, реконструкция қилинган ёки техник жиҳатдан қайта жиҳозланаётган газдан фойдаланиш ускунасини, газ қувурларини ва улардаги ускуналарни бир йил 100 000 куб метр ва ундан кўп табиий газдан фойдаланадиган корхоналар ва технологик нефть-газ объектлари (қурилмалари)да қўлланиладиган технологилар ва асбоб-ускуналарнинг энергия жиҳатидан самарадорлик кўрсаткичларига мувофиқлиги ҳамда ёқилғининг муқобил турларидан фойдаланиш тўғрисида хулоса бериш юзасидан

МИНИМАЛ ТАЛАБЛАР

1. Лойиҳа-техник ҳужжатларининг тўлиқ мавжудлиги;
 2. Лойиҳа-техник ҳужжатларини “Хавфи юқори бўлган объектларни ҳамда потенциал хавфли ишлаб чиқаришларни лойиҳалаштириш” бўйича махсус лицензияга эга бўлган лойиҳачи корхона томонидан ишлаб чиқилганлиги;
 3. Амалда ўрнатилган технология ва асбоб-ускуналарни лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилганларига мос келиши;
 4. Ўрнатилган асбоб-ускуналар ва газ ҳисоблаш ускунасининг яроқлилигини тасдиқловчи мутасадди корхоналар томонидан берилган ҳужжатларни (техник паспорти, мувофиқлик сертификати ва х.к.) мавжудлиги;
 5. Пайвандлаш ишларини сифатини назорат қилиш бўйича лабораториянинг аккредитациядан ўтганлигини тасдиқловчи ҳужжати (гувоҳнома)нинг мавжудлиги;
 6. Пайвандлаш ишларини сифатини назорат қилиш бўйича аккредитациядан ўтган лабораториянинг хулосаси;
 7. Газдан восита сифатида фойдаланиш бўйича ишлаб чиқилган ва тасдиқланган йўриқноманинг мавжудлиги;
 8. Газдан восита сифатида фойдаланишда йўқотилиши мумкин бўлган газ ҳисоб китобининг мавжудлиги ва амалдаги меъёрларга мослиги;
 9. Нефть-газ технологик объектлари (қурилмалари)ни комплекс синаб кўриш, шунингдек табиий газдан восита сифатида қўллаш ишларини олиб борувчи ходимларнинг махсус тайёргарликка эга эканлигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг мавжудлиги;
 10. Хавфли ишлаб чиқариш объектларини фойдаланишга қабул қилиш давлат комиссияси хақида буйруқнинг мавжудлиги
-